

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография бўлими



**Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби, ёзувчи ва драматург Собир Абдулла
(Абдуллаев Собир, 1905-1972) таваллудининг 115 йиллиги
муносабати билан “Санъат арбоби” номли**

ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТ

Фарғона 2020

Собир Абдулла

(1905-1972)

Шоир, ёзувчи ва драматург Собир Абдулла (асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) 1905 йили 5 сентябрда Қўқонда туғилган. 1965 йилда Ўзбекистон халқ шоири, 1944 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонларини олган. Дастлаб эски мактаб, сўнг “усули жадид” мактабини тугатгач, Қўқондаги педагогика билим юртида, Тошкентдаги маҳаллий кадрларни тайёрлаш курсида ўқиган. 1926-1948 йилларда “Янги Фарғона”, “Ёш ленинчи” газеталарида адабий ходим, “Муштум” журналида бўлим мудир, Андижон вилоят театри, Ўзбек давлат филармонияси ва Муқимий номидаги театрда адабий эмакдош бўлиб ишлаган. 1931 йили илк шеърлар тўплами – “Эрк илҳомлари” нашр этилган. Шундан кейин унинг 1931 йили “Навбахор”, 1932 йили “Кўклам наъраси”, “Завқ”, 1939 йили “Гулшан”, 1943 йили “Сўз ва соз”, 1949 йили “Давр кўшиқлари”, 1959 йили “Ҳаёт гулшани”, 1962 йили “Ҳаёт кўшиқлари”, 1965 йили “Девон” каби шеърый тўпламлари нашр этилган. Собир Абдулланинг шеърый ижоди лирика, ҳажвиёт ва дostonлардан иборат. Собир Абдулла аруз вазнига қарши кураш ва умумий бадий ижодни мафқуралаштириш жараёни кечган бир даврда ўзбек адабиёти классикларининг бой поэтик анъаналарини давом эттириб, мумтоз адабиётимиз билан замонавий адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Собир Абдулла воқеликда рўй берган воқеа ва ҳодисаларни ифодалашда аруз вазни имкониятларидан самарали фойдаланган, айниқса, ғазал жанрида кишиларга завқ-шавқ бағишлайдиган, улардаги эзгулик ва нафосат туйғуларига руҳий озиқ берадиган кўплаб асарлар ёзган. Унинг бастакорлар томонидан куйга солинган энг яхши ғазаллари ўзбек кўшиқчилик санъатининг равнақиға муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Собир Абдулла айна пайтда ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Собир Абдулланинг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган катта ҳиссаси унинг драмаларидир. “Мухбирға хужум” дастлабки пьесаси 1927 йили Қўқон драма труппаси томонидан сахнаға қўйилган. Шундан сўнг Собир Абдулла 1926 йил “Боғбон қиз” (дoston асосида), 1937 йил “Бўстон” бир пардали пьесаси ҳамда 1939 йил “Тоҳир ва Зухра” пьесаларини ёзди. 1940 йилда илк бор сахна юзини кўрган ва ханузға қадар ўзбек мусиқий театрлари репертуарларини безаб келаётган “Тоҳир ва Зухра” асари Собир Абдулла ижодининг гултожидир. Собир Абдулла уруш йилларида ҳамкорликда 1941 йилда “Қўчқор Турдиев”, 1942 йилда “Даврон ота”, 1943 йилда “Ўзбекистон қиличи”, урушдан кейинги йилларда эса замонавий ҳамда тарихий-афсонавий мавзуларда “Алпомиш”, “Гул ва Наврўз”, “Истеъдод”, “Менинг жаннатим”, “Ҳижрон ва виждон”

сингари пьесаларни ҳам ёзди. Бу асарларнинг аксари пойтахт ва вилоят театрларида сахналаштирилган. Собир Абдулланинг адабий меросида насрий асарлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Собир Абдулла насрий жанрлардаги изланишларини давом эттириб, 1939 йилда “Улфат”, 1963 йилда “Соялар” ҳикоялар тўпламларини эълон қилди. Кичик наср жанрларида эришилган тажриба ёзувчининг 1965 йил “Мавлоно Муқимий” романи устида олиб борган ижодий ишида, айниқса, қўл келди. Собир Абдулла Муқимий ва унинг замондошларини кўрган кишилар хотиралари асосида романда шоир ҳаёти ва у яшаган тарихий давр манзараларини ҳаққоний акс эттирди. Кейинчалик Собир Абдулла тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган 1971 йил “Беш саргузашт” қиссасини, Ҳамза, Ғафур Ғулом, А. Умарий, М. Узоқов каби адабиёт ва санъат намояндаларига бағишланган хотираларини ёзди. Собир Абдулла 1972 йил 24 октябрда Тошкентда вафот этган.

Ахборот - кутубхона маркази томонидан Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи ва драматург Собир Абдулла (Абдуллаев Собир, 1905-1972) таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан “Санъат арбоби” номли библиографик қўлланма тайёрланди. Ушбу тавсиявий рўйхатдан ўқитувчилар, кутубхоначилар, талабалар ва Собир Абдулла ҳаёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Собир Абдулла китоблари

1952

Собир Абдулла. Асарлар: Тўрт томлик / Собир Абдулла. – Тошкент: Ўзбекистон, 1952. – 226 б.

1956

Собир Абдулла. Танланган асарлар / Собир Абдулла. – Тошкент: Ўзбекистон, 1956. – 345 б.

Ушбу китобда шоирнинг ижоди ҳақида, унинг сатира юмори ва драмалари берилган. Китоб кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

1959

Собир Абдулла. Ҳаёт гулшани / Собир Абдулла. – Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 250 б.

Ушбу китобда шоирнинг шеър ва қўшиқлар, ғазал ва мухаммаслар. Сатира-юморлари киритилган.

1962

Собир Абдулла. Ҳаёт қўшиқлари / Собир Абдулла. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1962. – 112 б.

Бу тўплам Собир Абдулланинг сўнгги йилларда яратган шеърларини ўз ичига олган.

1965

Собир Абдулла. Девон. Т.1 Танланган асар / Собир Абдулла, Мухарр. Э. Воҳидов. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – 316 б.

Ушбу девонга Собир Абдулланинг энг яхши ғазаллари, мухаммас, мусамман, мусаддас, маснавийлари, шунингдек рубоий, туюқлари ҳам киритилди.

Собир Абдулла. Девон: Танланган асарлар. 2 томлик / Собир Абдулла Т.1 / Мухарр. Э. Воҳидов. – Тошкент, 1965 (Матбуот). – 316 б.

Девон-китоб тузишнинг классик формаси бўлиб, унда шоирнинг бутун ижодиёти давомида яратган энг нодир шеърий асарлари алифбе тартибда берилади. Ушбу девонга Собир Абдулланинг энг яхши ғазаллари, мухаммас, мусамман, мусаддас, маснавийлари, шунингдек рубоий, туюқлари ҳам киритилди.

1966

Собир Абдулла. Мавлоно Муқимий: Бадиий лавҳалар / Собир Абдулла. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – 428 б.

Ушбу китоб улуғ демократик шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг машаққатли ҳаёт йўлини акс эттирган. Китоб кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

1971

Собир Абдулла. Тун ва тонг: Достон / Собир Абдулла. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 96 б.

Ушбу китоб Фарғонада тонг отгунча бўлган воқеалар ва тонгдаги шабададек ёқимли озод ҳаётнинг илк дамлари ҳақидаги асардир.

1975

Собир Абдулла. Асарлар: Тўрт томлик / Собир Абдулла Т.1 Шеърлар ва ғазаллар / Мухарр. Т. Алимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 (Тошполиграфкомбинати №1). – 438 б.

Ушбу асарга шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари жамланган. Асар кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

Собир Абдулла. Асарлар: Тўрт томлик / Собир Абдулла Т.1 Шеърлар ва ғазаллар / Муҳарр. Т. Алимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – 440 б.

Ушбу китобда шоирнинг шеърлари ва ғазаллари ёритилган. Китоб кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

1976

Собир Абдулла. Асарлар: Тўрт томлик. Т.2 / Собир Абдулла. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 289 б.

Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла асарларининг 2 томига унинг шеър ва ғазаллари ҳамда хажвий асарлари киритилди.

1992

Собир Абдулла. Асарлар. 4 томлик / Э. Тўракулов, С. Раҳимов; Муҳарр. С. Очил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 78 б.

Ушбу асар ўрта асрда яшаб, ижод этган буюк аллома Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, тарбия тўғрисидаги фанларга доир қарашларига бағишланади.

Рус тилида

1988

Собир Абдулла. Муқими: Роман / Собир Абдулла. – Ташкент: Литература и искусство, 1988. – 384 с.

Роман Муқими - документальное повествование об узбекском поэте-демократе Мухаммеде Аминходже Муқими, жившем во второй половине 19 - начале 20 века, в период, когда Туркестан был царской колонией.

Д. Шакирова